

## “АНДА ЖОНИДУР”МИ ЁКИ “АНДИЖОНИЙДУР” ЁҲУД АСРЛАР ОШСА-ДА, АҲАМИЯТИНИ ЙЎҚОТМАГАН АСАРЛАР

Алижонов Гулшаной Анваржон қизи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Босма ОАВ ва ноширлик иши факултети,

01-21-гуруҳ талабаси

[alijonovagulshanoiy5@gmail.com](mailto:alijonovagulshanoiy5@gmail.com)

*Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати, уларга машғуллиги билан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳукмдор топилмайди.  
Жавоҳарлал Неру, жамоат арбоби*

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Баҳор айёмидир" номли газалининг охириги байтидаги иборани "анда жонидур" ёки "андижонидур" каби ўзгартириш ҳақида баҳс борган мақоладан олинган фикр-мулоҳазалар келтирилган. Матнишунос ва Бобуришунос олимларнинг Бобур асарларини чоп этишида қандай хатога йўл қўяётгани ҳамда қандай хатога йўл қўймагли ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари Бобур ижодига боғлиқ маълумотлар ҳам ўрин олган. Муаллиф бу борада тугал билимга эга бўлмаганлиги аммо адабиётга бееътибор эмаслиги ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарлари, Бобур мероси, Бобур газалларининг бугунги кундаги аҳамияти, матнишунос ва Бобуришунос олимларнинг фикрлари, "Ўзбекистон санъати ва адабиёти" газетаси, "Ўзбекистон тарихи" телеканали, асрлар ошса ҳам аҳамиятини йўқотмай келадиган шохбайтлар.

Ватандошимиз Заҳридин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга, йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, Аруз ҳақидаги рисолалари ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобур Шеърларининг умумий ҳажми 400 дан ортади. Шундан 119 ғазал, 231 рубоий ва туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда асарлар яратган. Шеърларини мавзу жиҳатидан ошиқона, таълимий, ҳасби ҳол каби турларга ажратиш мумкин. Бобур шеърияти интеллектуал қалб изҳори сифатида ардоқлидир. Унинг асарлари самимий, равон, услубан тугал ва мушаккалдир. Бобомиз Заҳридин Муҳаммад Бобур ҳақида қанча гапирсак шунча оз. Шундай экан, асл муддаога ўтганимиз барча учун бирдек манзур. Орадан асрлар ўтса ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда ҳатто баъзи олимларимизни қайтадан изланишига сабаб бўлмоқда.

“Ўзбекистон санъати ва адабиёти” газетасида матншунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг 2011-йилда Бобурнинг таваллудига бағишлаб чоп этилган мақоласида ғазал байтига ўзгартириш киритганлиги ҳақида сўз юритганди. Бобурнинг “Баҳор айёмидир” номли ғазалининг тугалланма байити шу вақтгача бундай талқинда ёзилган эди:

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,*

*Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, анда жонидур.*

Лекин В.Раҳмонов “юқорида берилгандек эълон қилсак, икки нуқсон содир бўлади: фикр ҳавода муаллақ қолади; ўринсиз қўпол такрор юз беради” – дейди.

Бахс байт охиридаги “анда жонидур” иборасини “ андижонийдур” шаклида ўзгартириш ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, В.Раҳмоновнинг мақоласида: “2008 йилда Бобур таваллудининг 525 йиллиги тантанаси куни– 14 февралда Андижон шаҳри чорраҳалари ана шу байт ёзиғлиқ лавҳалар билан безалган эди. Шунинг учун ҳам Бобур жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов кўп ўтмай Боғишамолда Бобур боғидаги ҳайкал белбоғига йирик ҳарфларда шу байтни ёздир”ганлигини таъкидлаб ўтганди.

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибингга тараҳхум айлагилким, андижонийдур*

Ғазал аслида шундай кўринишда бўлиши керак эди. Кўчираётганда котиблар томонидан хатоликка йўл қўйилиб, “анда жонидур” каб ёзилган дейди.

“Бобуршуносликда “Хатти Бобурий” деб ном олган алифбо ҳақида кўп маълумотлар мавжуд. Бироқ, юртимизда унинг нусхаси йўқ эди. Бобур ўз даврида араб алифбосини туркий талаффузга мослаб ислоҳ қилган ва ушбу алифбода Қуръони каримни кўчириб, Маккаи мукаррамага юборган. Жамғарма мутахассисларининг саъй-ҳаракати билан Машҳад шаҳридаги Имом Ризо мажмуаси музейида сақланаётган “Хатти Бобурий”да кўчирилган Қуръони карим нусхаси юртимизга олиб келинди. Ҳозирги вақтда бу ноёб манбани тадқиқ этиш устида иш олиб борилмоқда”– дейди адабиётшунос олим Саидбек Ҳасанов. Қуръони Каримни кўчирган Бобур ғазалнинг бир байтида хатоликка йўл қўйиши бироз ноўрин.

Бунга жавобан Зухриддин Исомиддинов ўрганишлари натижасида ўз фикрларини ўринли тандиқ ва исбот билан келтириб ўтди. “Агар олим айтгандек “андижонийдур” шаклида чоп эта бошласак, маҳаллийлаштирган бўлмаймизми? Ким Бобурни Андижонлик эмас деяпти? Қолаверса, Андижондаги боғда Бобур ҳайкалининг белбоғига ушбу мисранинг ёзилиши бироз ғалати эмасми? Энг фалсафий, ҳикматга қон парча ёзилдирилар эди-ку? Насиҳатомуз шохбайт шуми? “қабелида хатони тўғрилашга уринади.

З.Исомиддинов юқоридаги байт мазмунини қуйидагича ифодалайди: “Бобурнинг ғазаллари автобиографик эмас, тасаввуфий йўналишда ёзилган”. Аксинча Мирзо Бобур деярли барча асарларини автобиографик яъни ҳасби ҳол усулида ёзганини бир қанча манбалар орқали ҳам билиб олишимиз мумкинлиги ҳақида Филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа айтиб ўтади.

Бирор мавзу долзарб даражада кўтарилиб, тўлиқ ечилмай қолиб кетса, бир кунмас бир кун қайта-қайта кўтарилишига сабаб бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, икки матншунос олим йўл қўйган янглишликни ўринли танқид орқали Нусратулло Жумахўжа тўғрилашга ҳаракат қилган.

Агар эътибор берадиган бўлсак, бобомиз ҳақидаги китобларда географик, исмлар билан боғлиқ экцикликлар мавжуд. Масалан, “Бобур” сўзининг маъносини ҳам “шер” дея талқин қилинган эди. 2023-йил Ўзбекистон тарихи телеканалининг “Ўзликка йўл” номли кўрсатувида бир қатор бобуршунос олим ва олималар юқорида айтиб ўтилган хатоликларни, “Бобур” сўзи “шер” эмас “йўлбарс” деган маънони англатишини эътироф этганди. “Қолаверса, голландиялик олим Фарғонани тасвирлаганда хатога йўл қўймайди-ю нега биз ўзбек тилидаги манбалардан фойдаланаётганда камчиликларда йўл қўйишимиз керак. Оддий Хартанг қишлоғини Хартанак деб ёзиб кетилмоқда. Катта тадқиқотлар-у, ёстикдек келадиган китобларни қиймати қоладими унда? Чет эллик олимлар устимиздан кулмайдими?”– дейди бобуршунос олим Ботирали Йўлдошев.

Бобур меросини ўқиб ўрганишга хорижда ҳам қизиқиш тобора ортиб борапти. “Бобурнома”нинг ўттиздан ортиқ тилда чоп этилгани, жаҳондаги етмишдан зиёд музейда Бобур ва унинг авлодлари даврига оид бебаҳо манбалар сақланаётгани бунинг исботидир. Мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда хорижлик мутахассислар ҳам бобуршунослик соҳасида салмоқли илмий-тадқиқотларни амалга оширапти.

Биз юқорида Ўзбекистон санъати ва адабиётида кетма-кет чоп этилаётган мақолалар орқали хато ва камчиликларни билиб олдик. Эндиги мақсадимиз

аждодларимиз қилган ишларни йўқолиб кетмаслигига ва жаҳонга ёйишда ўз ҳиссамизни қўшишимиздан иборат бўлмоғи лозим. Юзлаб тилларга таржима қилинаётган асарлардан нимаси кам? Шундай экан, боболаримиз қолдирган улкан меросни аввало ўзимиз чуқур ўрганишимиз келгусида яна ҳам кўпроқ чет тилларига таржима қилиб дунё аҳлини ҳам хабардор қилишимиз зарур.

Бу мавзуда қалам тебратиш анчагина оғир чунки, устоз олимларимиздек билимга эга бўлмай туриб улар ҳақида қалам югуртиришимиз гарданимизга янада оғир масъулият юклайди. Бу борада тугал билимга эга бўлмаганимиз сабабли мутахассисларнинг фикрларига эҳтиёжимиз бор. Сўзимиз сўнггида эътироф этиш керакки, тарихий асарларни ўз ҳолича келажак авлодга етказиш, уларга қилган катта яхшилигимиздир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://tuit.uz/post/zahiriddin-muhammad-bobur-adolatli-shoh-va-buyuk-shoir>
2. <http://press.natlib.uz/uz/editions/74628>
3. <https://e-tarix.uz/shaxslar/726-maqola.html>
4. <http://press.natlib.uz/uz/editions/84313>
5. <http://press.natlib.uz/uz/editions/85710>
6. <https://t.me/mtrkuzofficial/134989>